O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2006** йил, **2** июнь, жума № **22** (2149).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **2** июня, **2006** год, № **22** (2149).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена свободная

Армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишга асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч – бу армия сафларида хизмат қилаётган инсонлардир.

**Ислом КАРИМОВ**

## РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Нукусда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли республика Эндокринология илмий-текшириш институти, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ҳамда ЮНИСЕФ – БМТнинг халқаро Болалар жамғармаси ташаббуси билан "Ички истеъмол бозорида йодланган ош тузининг аҳамияти" мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

Унда йод танқислиги оқибатида келиб чиқадиган турли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши кураш, инсон организми учун зарур моддаларни таъминловчи омиллардан оқилона фойдаланиш сингари масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Семинарда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар, ош тузининг сифати ва йодланганлик даражасини аниқлаш бўйича жойларда ўтказилган мониторинг натижалари муҳокама этилди. Йодланган ош тузи ишлаб чиқарувчи корхона раҳбарлари, ош тузи билан савдо қилувчи субъектлар вакилларига тегишли тавсиялар берилди.

●

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида бўлиб ўтган «Ер муносабатларини тартибга солиш, кўчмас мулк кадастрини юритиш соҳасида замонавий техника ва технологияни қўллаш ҳамда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларини такомиллаштириш» мавзусида ўтказилган минтақавий анжуман ўтказилди. Унда Жиззах, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари Ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати бошқармаларининг вакиллари, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти олимлари ҳамда «Ўздаверлойиҳа» институти мутахассислари иштирок этди.

●

Бухоро шаҳрида "Ҳокимликларда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва бу борада мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш масалалари" мавзуида республика семинари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимликларида Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни ижроси ва бу борадаги долзарб вазифалар хусусида сўз борди.

Ўтган йили вилоят ҳокимлиги томонидан назоратга олинган 1128 аризанинг 476 таси ижобий ҳал этилган. 528 таси бўйича тушунтириш ва ҳуқуқий маслаҳат берилган. Такрорий мурожаатлар сони камайган. Бундай ижобий ҳолат жорий йилнинг биринчи чораги учун ҳам хосдир.

Вилоят ҳокимлигида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланилаётгани семинар қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

●

Оролбўйи минтақасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида БМТнинг Тараққиёт дастури бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улардан бири – Қизилқум яйловларида чорвачилик билан шуғулланаётган чўпонларни электр энергияси билан таъминлаш бўйича "Фаза-1" лойиҳасидир.

Лойиҳанинг биринчи босқичи икки йил аввал амалга оширила бошланган эди. Унга мувофиқ, Тахтакўпир туманининг олис овулидаги 15 та хонадон қуёш нуридан қувват олиб ишлайдиган кичик электр станцияси билан таъминланди.

Яқинда мазкур лойиҳанинг иккинчи босқичи – «Фаза-2» бўйича амалий ишларга киришилди. Унга кўра овулдаги хонадонларнинг яна 21 таси ана шундай қулайликдан баҳраманд бўлади.

**(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).**



*Ватан суянади, сиздек мардларга!*

Ярослав КОРУКА сурати олган.

# К ВЕРШИНАМ ВОИНСКОГО МАСТЕРСТВА

**ВЧЕРА В ВООРУЖЕННЫХ СИЛАХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН СТАРТОВАЛ ЛЕТНИЙ ПЕРИОД ОБУЧЕНИЯ ПОД ДЕВИЗОМ УЧЕБНОГО ГОДА: «БЫТЬ ОТВЕТСТВЕННЫМ И КОМПЕТЕНТНЫМ, НАДЕЖНЫМ ЗАЩИТНИКОМ РОДИНЫ – ДОЛГ КАЖДОГО ВОЕННОСЛУЖАЩЕГО!»**

Вот и в воинской части, где заместителем командира по воспитательной работе майор Ахрор Абдурахманов, личный состав с воодушевлением продолжает путь к вершинам воинского мастерства. С добрыми напутствиями обратились к собравшимся солдатам, сержантам и офицерам ветеран Вооруженных Сил Ибрагим Усманов, служащая ВС Людмила Федорчук. Выступившие с ответным словом младший сержант по контракту Улугбек Олтибаев и рядовой срочной службы Ахмад Уташев заверили всех, что ответят на добрые пожелания отличными оценками в боевой учебе, напряженным ратным трудом во имя укрепления оборонной мощи Родины.

Двадцать пять лет жизни Ибрагима Усманова отданы военной службе, а увольнялся в резерв опытный профессионал именно отсюда, с должности командира взвода материального обеспечения. Поэтому в беседе с рядовыми Альбертом Рузикуловым, Шахобом Джумаевым и Бахриддином Раджабовым он охотно делится своими знаниями и навыками по уходу за оружием и техникой, дает советы и по другим вопросам.

Рядовой Евгений Захаров из Ферганы твердо решил связать свою судьбу с армией. Впрочем, по-другому, наверное, и быть не могло, ведь он вырос в военной семье: папа офицер, а мама сержант по контракту. У самого солдата еще до службы в армии было в активе свыше 60 прыжков с парашютом, диплом индустриального колледжа.

– Солдат реально претендует на Рекомендацию воинской части для поступления в вузы, – говорит о подчиненном командир взвода капитан Акбар Исламов. – По всем предметам боевой учебы в прошлом периоде у него были отличные оценки. Думаю, что и в летнем периоде воин не сбавит взятых темпов, ведь он мечтает стать курсантом ТВОКУ.

**(Окончание на 2-й стр.).**

**Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги**

## ТАРБИЯ – МУҲИМ МЕЗОН

«Ҳалол, ҳақгўй, ахлоқ-одобли киши ҳар қандай қимматбаҳо нарсадан ҳам қимматлидир», деб таъкидлаган Шарқнинг машҳур алломаси Юсуф хос Ҳожиб. Ҳақиқатан ҳам оила ва ижтимоий ҳаётда ҳақгўй, ҳалол ва ахлоқ-одобли кишининг қадри баланддир. Жамиятда инсонларнинг эҳтиёжларини бобомиз таърифлаган фазилатларга эга бўлган ҳалол ва адолатли инсонларгина ўз ақли ва меҳнати билан бунёд этади. Шунинг учун ҳам бундай шахслар юксак эъзозланади. Қолаверса, ҳалоллик ва адолат каби тушунчалар жамиятнинг асоси, давлат аҳамиятига молик ижтимоий характерга эга бўлган маънавий тушунча сифатида англашилса тўғри бўлади. Шунинг учун болани оилада ҳалоллик ва адолат руҳида тарбиялашнинг ҳар томонлама аҳамияти каттадир.

Шарқнинг буюк мутафаккирларидан Имом Ғаззолий «Кимёи саодат» асарида ҳалоллик ҳақида фикр юритиб: «Аввалги илм одам ўз нафсини танимоғидир. Инсон муайян ўлчов меъёрига эга бўлган мавжудотдир. Шунга кўра инсоннинг ана шу чегарадан чиқиши уни маънавий таназзулга олиб келади», деб жуда ўринли таъкидлаган. Ҳақиқатан ҳам инсоннинг ўз нафсини бошқара олмаслиги унинг ҳалоллик руҳида тарбия олмаганлигини кўрсатади. Инсоннинг оилада ҳалоллик руҳида тарбияланмаслиги биринчи навбатда унинг ўзини, қолаверса, оиласини таназзулга олиб келиши анча яқин эҳтимол. Демак, ҳар бир инсоннинг мақсадга эришиши, турмуш ва жамиятда мустаҳкам мавқе тутиб, ўз эътиқодида собит туриши, инсонийлик туйғуларига қатъий амал қилиши оилада олган ҳалоллик, адолат руҳидаги тарбиясига бевосита боғлиқ, деб хулоса чиқариш мумкин.

**(Давоми 7-бетда).**

**Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди**



## 2. ИЛМ-ФАН – КИШИЛАР ҲОЖАТИНИ ЧИҚАРМОҚ

**(Хоразм Маъмун академиясининг минг йиллигига)**

Хоразм Маъмун академиясининг илм-фан тараққиётидаги ўрни беқиёс эканлигини таъкидлагандик. Улар асосан нималарда акс этади, деган ўринли савол туғилиши мумкин. Буни олим Мадраҳим Сафарбоев ўзининг «Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм-фани тараққиётидаги ўрни» рисоласида шундай баён этади: «Маъмун академиясининг илмий ва маданий юксалишдаги роли шундан иборатки, биринчидан, шоҳ Маъмун ибн Маъмун фармони билан академияга хос бўлган фундаментал тадқиқотлар чуқур ва атрофлича олиб борилди. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилди, давлат томонидан маблағ билан таъминланди.

Иккинчидан, дунёвий илмлар, хусусан математика, астрономия, химия, геодезия, минерология, тиббиёт, доришунослик каби фанлар юксак босқичга кўтарилди. Табиий фанларда эришилган ютуқлар ҳозирги замон фани кўрсаткичларига яқинлиги ҳайратланарлидир.

Учинчидан, инсон зотининг фазога парвози тўғрисидаги ғоя ва унинг илк амалиёти ҳам шу академия туфайли амалга оширилди. Санкт-Петербургда сақланаётган бир қўлёзмада Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммод Форобий ал-Жавҳарий (940-1008 й.й.) деган астроном олимнинг Хоразмда илк бор қанот ясаб, фазога учганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу ҳақда атоқли шоиримиз Мақсуд Шайхзода хабар берган эдилар.

**(Давоми 7-бетда).**

Муштарийларимизга

# МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм, бўлинма ва муассасаларида ёзги мавсум ўқув машғулотлари бошланди.

Ўқув йили машғулотлари **«Масъулиятли ва юксак малакага эга бўлиш, Ватанни ишончли ҳимоя қилиш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи!»** шиори остида ўтказилмоқда.

Шу кунларда барча ҳарбий хизматчилар кўтаринки руҳ билан машғулотларга киришиб кетишган, демак, ҳарбий хизматни ўзи учун касб деб танлаган инсонлар ақл-заковати, маҳоратини яна бир поғона юқорига кўтариш пайти келди.

Мудофаа вазирлигининг «Ёзги ўқув мавсуми бошланиши муносабати билан шахсий таркибга мурожаат»ида шундай дейилган:

«Ёзги ўқув мавсуми – Қуролли Кучларни шакллантиришнинг масъулиятли даври бўлиб, бу ҳар бир ҳарбий хизматчидан бор куч-ғайратини, шижоатини, юксак фаоллигини, ташаббускорлиги ва ижодкорлигини, жисмоний ва ақлий қувватини тўлиқ ишга солиб ҳаракат қилишни талаб этадиган пайт».

Мурожаатдан руҳланган ҳар бир аскар, ҳар бир сержант, ҳар бир офицер ёзги ўқув мавсуми машғулотларида фаол иштирок этишиб, зиммаларидаги масъулиятли ва муқаддас вазифа – она юртимизни, халқимизни ишончли ҳимоя қилиш учун ўз билим, маҳоратларини янада ошириб, ҳамиша жанговар шай ҳолда бўлишади, албатта.

Масъулиятли ва юксак малакага эга бўлиш жанговар шайликнинг асосидир. Жанговар шайлик қўшинларнинг уларга юклатилган жанговар вазифаларни бажаришга тайёргарлик даражасини аниқлаб берувчи ҳолатдир. Жанговар шайлик шахсий таркибнинг кўникма ва малакалари ҳолати, қурол ва техникани эгаллаш даражаси, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-руҳий тайёргарлик даражаси ҳамда ҳарбий интизом ҳолати билан белгиланади.

Касбий маҳоратни мунтазам такомиллаштириб бориш шунчаки билимлар ва муайян касбий кўникмаларни эгаллаш, дегани эмас. Ватан ҳимоячиси ўз касбининг моҳир профессионали бўлмоғи зарур.

Буларнинг барчаси ўқув машғулотлари, машқлар жараёнида эгалланади.

Юртбошимиз шундай таъкидлайди: **«Жанговар тайёргарликнинг интеллектуал даражасини юксалтириш, уни илғор усул-услублар, моделлаштириш, компьютер ва информацион технологиялар, замонавий фан ютуқлари асосида ташкил этиш йўлида олиб бораётган ҳаракатларимиз, бир томондан, ҳарбий хизматни ўзи учун касб деб танлаган инсонларнинг ақл-заковати ва маҳоратини оширишни тақозо этмоқда, иккинчидан, бугун ҳарбий хизматни ўташга ҳозирлик кўраётган ёшларимиз олдига янги, юксак талаблар қўймоқда».**

Мухтасар қилиб айтганда, шарт-шароитлар аъло даражада, давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз ҳарбий хизматчига юксак эҳтиром кўрсатиб, ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ана шу эътибор, ғамхўрликка муносиб бўлайлик!

**ТАҲРИРИЯТ**

**Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!**



## БИЛИМЛИ МИНГНИ ЕНГАР

Таълим-тарбия билан боғлиқ устувор мақсадларимиз бугун қайсидир маънода ўз самарасини бермоқда. Истиқлолнинг дастлабки йилламиданоқ мазкур йўналишга улкан эътибор қаратиб келаётганимиз бежиз эмас. Сабаби кундай равшан: маънавияти, маърифати, маданияти юксак халқни, миллатни ҳеч ким енга олмайди. Маънавияти, маърифати юксак халқ ҳеч кимдан кам бўлмаган, бўлмайди ҳам.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бир ҳақиқатни кўрамиз. Илм-фан тараққиётига диққат-эътиборини қаратган шоҳларнинг давлати гуллаб-яшнаган, дунё тамаддунида ўз йўли, ўз сўзига эга бўлган. 2700 йилдан зиёд давлатчилик тарихини кўрган заминимизда бунга кўплаб мисоллар топилади. Илм-фани ривож топмаган миллат сиёсат саҳнасида ҳам, тарих зарварақларида ҳам ном қолдира олмагани ҳақиқат. Ўрта асрлардаги Шарқ уйғониш даврини оласизми, бошқа даврними, аждодларимиз илмий салоҳиятлари билан дунёга донг таратган. Атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов мақолаларидан бирида шундай деб ёзган эди: «Қадим Греция Оврупода цивилизация ўчоғи сифатида қандай ўрин тутган бўлса, Ўзбекистон ва ўзбек халқи Осиёда, бутун туркий ўлкалар ва барча туркий халқлар тарихида худди шундай ўрин эгаллаган». Таъбир жоиз бўлса, бу ақлу салоҳиятда, илму маърифатда ҳеч кимдан кам бўлмаган аждодларимизга нисбат бериб айтилган улкан эътироф.

**(Давоми 7-бетда).**



3 ЁЗГИ ЎҚУВ МАВСУМИДА

ФИДОЙИЛИК АЁН ИЛК САБОҚЛАРДА



4 АБИТУРИЕНТ – 2006

ОФИЦЕР БЎЛИШГА ЧОҒЛАНАР ЙИГИТ



5 АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ

ЧИНИҚИШ



6 1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

«ҚУЁШЧА»НИНГ МЕҲРИДАН УЛҒАЙИШМОҚДА

## 1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

# «ҚУЁШЧА»НИНГ МЕҲРИДАН УЛҒАЙИШМОҚДА

Болаликни беғубор фаслга менгзаймиз. Тўғри-да, болаликдаги ўйу хаёл ҳам, орзу-ният ҳам, бари-бари беғубор. Ҳеч бирига ҳали дунёвий дардлар, гардлар юқмаган бўлади. Аммо барибир жаҳоннинг қайсидир нуқталарида умрининг баҳори хазонларга тўлаётганлар, ҳали болалик гаштини тўла татимай туриб, дунёвий ташвишлардан озор чекаётганлар бор.

БМТнинг 2005 йилда тарқатган маълумотларига кўра, жаҳонда 121 миллионга яқин бола ҳаётдаги энг муҳим ҳуқуқи – таълим олиш ҳуқуқидан бебаҳра экан. «Таълим олмаса ҳам бир кунини кўраверади-ку», деган хаёлга боряпсизми? Ноҳақсиз. Ахир, саводга эга бўлмаса, демакки, ҳуқуқларини англамайди, демакки, оқ-қорани билмайди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ижтимоий ҳаётда фақат қоқилиб яшайди. Ахир, қашшоқлик, очлик, ОИВ/ОИТС тарқалишининг олдини олиш ва бошқа глобал масалаларнинг асосий ечимларидан бири ҳам саводсизликка қай даражада барҳам бера олишимизга боғлиқ бўлиб турибди-да.

БМТнинг мингйиллик саммитида аъзо давлатлар муайян мақсадлар бўйича мажбурият олишган. Умумий бошланғич таълимни таъмин этишдек масала мақсадларнинг энг олдинги сафида турибди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, барқарор тараққиётга эришишнинг муҳим омиллардан бири бу – саводсизликка барҳам беришдир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, Мадагаскарда 40 фоизга яқин болалар бошланғич мактабга борган ва 5-синфгача таҳсил олишган. Бу ўтган аср охири ва янги минг йиллик бошидаги маълумотлар. Расмий маълумотларга қараганда, бу борадаги кўрсаткич Афғонистонда 49 фоизни ташкил этган. Руандада эса бу рақам расмий маълумотларга биноан 39 фоиздан иборат бўлган. Дунё бўйича олинганда эса фоиз 89 га яқинлашяпти. Демак, дунё болаларининг 11 фоизга яқини ҳаёти учун энг муҳим бўлган ҳуқуқларидан бебаҳра ўсаяпти.

Ортда қолган аср охири турли можароларга, тўқнашувларга бой бўлганини биламиз. Фожиа, ҳали болалик фаслининг оҳори кетмаганлар қўлига ажал уруғини сочувчи қуролларни тутқазаётганимизда. Масалан, биргина 2000 йилда дунёнинг турли нуқталарида бўлиб ўтган ўттизга яқин можаро, тўқнашувда 300 мингдан зиёд бола аскар сифатида иштирок этган. Бундай маълумотларни кўздан кечирганда, ҳатто ўйинчоқ қурол билан уруш-уруш ўйнаётган болангга танбеҳ бергинг келади. Токи у ҳаётда бундай хунрезликларга дуч келмасин.

Бежиз бу маълумотларни келтириб ўтмаяпмиз. Бунинг замирида тинчликнинг, осойишталикнинг, шундайин доримомон кунларнинг қадрига етиш лозимлигига ишора бор. Аниқроғи, Мудофаа вазирлигига қарашли «Қуёшча» болалар боғчасида бўлганимда, жажжиларнинг беғубор ўйин-кулгиларини, мураббийларидан олишаётган сабоқларини кўрганимда юқоридагилар хаёлимдан ўтди.

Мактабгача тарбия соҳасида 25 йиллик тажрибага эга мудира Райҳон опа Холбоева бизни гуруҳларга бошлайди. Сурат солаётган болажонларга қараймиз. «Олдинда ўтирган қизалоқни кўряпсизми, исми Барчиной, фамилияси Жўраева, жуда қобилиятли. Саҳна кўринишларида ўзини артистлардек тутади», дея изоҳ беради мудира.

– Исминг нима? – сўрайман инглиз тили машғулоти билан шуғулланаётган болакайдан.

– Султон Ризамбетов, – дейди болаларча самимият билан.

– Қани бизга инглизчада нималарни айтиб берасан?

Болакай ота, она, Ватан сўзларини дона-дона қилиб айтди. Санаб берди. Яна алланималарни чуғурлаб-чуғурлаб сўзлади. Ана шулар-да келажагимиз эгалари, Президентимиз таъкидлаганидек, биздан кўра доно, ақлли ва бахтли бўладиган авлод, дейман хаёлан.

Мазкур болалар боғчасида таълим-тарбия бериш даражаси қай даражада эканлиги унинг ютуқларида акс этиб турибди. Масалан, жорий йилда қувноқ билимдонлар баҳсида шаҳар босқичида ушбу жажжилар маскани ғолиб чиқиб, видеомагнитофон, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам биринчи ўринни эгаллаб, мусиқий марказ билан тақдирланган. «Чирчиқда Мудофаа вазирлигига қарашли мактабгача таълим муассасаларининг яқинда бўлиб ўтган йиғинида вазир ўринбосари полковник Маннобжон Аҳмедов томонидан фотоаппарат, Фахрий ёрлиқ билан тақдирландик», дейди фахр билан мудира.

25 йиллик иш тажрибасига эга услубчи Роза Маманова бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Болаларнинг фикрлаш қобилияти юксак. Халқ таълими вазирлигининг «Учинчи минг йиллик боласи» дастури бўйича машғулотлар олиб боряпмиз. Мазкур дастурга асосан йилнинг ҳар чорагида бола ўрганган билимлар борасида тестлар оламиз. Ютуқ ва камчиликларимизни таҳлил қиламиз. Ота-оналар билан ҳам трейнинглар ўтказишга эътибор беряпмиз. Масалан, «болангиз мактабга тайёрми?» ва бошқа мавзуларда ўтказиладиган трейнингларни таъкидлаб ўтиш мумкин.

Услубчининг фикрларига қўшимча сифатида шуни айтиш мумкинки, бугун «Қуёшча»да ҳарбийлар фарзандлари Элмира Нодирова раҳбарлигида инглиз тилидан сабоқлар олишяпти. «Илгари штатда инглиз тили мураббийи йўқ эди. Ўшанда ҳам мутахассисни таклиф қилардик. Ота-оналар билан келишилган ҳолда мутахассисга муайян маош тўланарди. Энди эса бемалол бепул шуғулланишяпти, болажонларимиз. Энг муҳими, уларда қизиқиш катта. Шу ўринда округ қўмондонлигининг эътиборини ҳам таъкидласам. Ҳар байрамда совғалар беришади, турли экскурсиялар учун автобуслар ажратишади», дея мудира суҳбатни давом эттирди.

Хуллас, жажжиларга қўшилиб,болалигимга, унинг тору кенг кўчаларига хаёлан қайтдим. Очиғи, «Қуёшча»нинг меҳр нурида улғаяётган болакайларнинг, истиқлол фарзандларининг умр баҳори бизникидан кўра завқлироқ, тотлироқ эканлигини туйдим.

**Майор Сафар АЛИЕВ.**
**Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.**







## МОЯ НЕДЕЛЯ

**Элеонора ЗАГАБИДДИНОВА, молодая мама:** «На этой неделе был отмечен Всемирный день защиты детей. По этому случаю я хочу пожелать всем малышам, ребятам и девчатам побольше счастья и удачи в их жизни. Пусть ничто не омрачает их будущее, пусть все они смогут найти свою дорогу в этом мире и создать семью, вырастить своих детей. Я очень надеюсь на то, что наступит время, когда у детей всей планеты будет и крыша над головой, и кусок хлеба, и материнская любовь. Тогда нам не понадобится День защиты детей – их будет не от чего и не от кого защищать».

**Анатолий РИЗОВКИН, студент ТГПУ:** «Меня от всей души порадовал показ отечественных короткометражных фильмов в рамках проекта FilmOn. Кто говорит, что для создания высококлассного кино нужны большие деньги, тот оказался тысячу раз неправ. Для этого требуется оригинальная мысль, хорошие актеры и обычная камера. Это доказала наша молодежь: их работы поражают и заставляют задуматься, потому что поднимают самое важное, исследуют душу человека XXI века. Как бывают люди «светлые» и «темные» по характеру, так и фильмы бывают положительные и отрицательные. На этом фестивале я увидел положительные фильмы о «темных» и «светлых» людях – то есть, саму жизнь».

**Дильдора РАХИМДЖАНОВА, студентка лицея при ТашГИВ:** «Моей красной датой на неделе стал день участия в конкурсе японского языка в Центре развития людских ресурсов. Я сделала доклад о японской поэзии хокку, читала свои собственные «опусы» на языке Страны восходящего солнца и – победила! Как я была счастлива! Желаю всем изучающим японский язык не бросать это дело, не унывать и работать над собой – у вас все обязательно получится!»

**Джамшид ГАРАЛЕВСКИЙ, ученик 11-го класса:** «У меня эта неделя была, так сказать, «сумасшедшей». Все выпускные классы сейчас сдают экзамены, параллельно мы готовим программу для учителей, так что отдыхать времени нет совсем! А если подумать, когда еще будет так весело, так приятно – ведь меньше чем через месяц мы все разбежимся в разные стороны навсегда. Каждый пойдет готовиться к вступительным экзаменам в институт, потом начнется учеба и, соответственно, будут новые друзья, новая жизнь. Грустно, но все течет, все меняется. Главное – мы пока вместе!»

**Ведущий рубрики Роман РОМАНОВСКИЙ.**

# МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРСАК АРЗИЙДИ

Ёш бола, унинг қувончга тўла нигоҳлари, самимий ва беғуборлик уфуриб турувчи сўзлари, чаққон хатти-ҳаракатлари, шўх-шодон кулгусини кузатиш ҳар қандай инсонга завқу шавқ бағишлаши аниқ. Уларни кўриб, беихтиёр болалик чоғларингни, «подшолик» даврингни эслайсан. Мустақил давлатимиз, қадрдон диёримиз келажаги айнан шулар, дегинг келади бaралла. Пойтахтимиздаги ҳарбий шаҳарчада бўлиб ўтган қизиқарли тадбир сабабчилари ҳам барчамизнинг жону дилимиз, ширindan шакар ўғил-қизлардир.

Мудофаа вазирлигининг Тошкент ва Чирчиқ гарнизонларидаги мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари иштирокидаги болалар спартакиадаси 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланди.

Кўтаринки руҳда ўтган мазкур мусобақани Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари масъул офицери Ҳикмат Насриддинов бошчилигидаги ҳайъат аъзолари баҳолаб боришди. Кириш қисми – саломлашув, асосий қисми – турли спорт анжомларидан фойдаланган ҳолда шартларни бажариш бўйича ўзаро беллашган саккиз жамоанинг ҳар бири ғалабага бўлган кучли ишончи, иродаси ва интилувчанлиги билан томошабин ва ҳайъат аъзоларида катта таассурот қолдирди.

Жажжи ўғил-қизлар байрамона тадбир давомида асло бир-бирларидан қолишмасликларини намойиш этдилар. Шунинг учун ҳам мусобақалар ниҳоясида ўзаро дўстлик ғалаба қозонганлигининг эълон қилиниши болалар спартакиадасининг мантиқий якуни бўлди. Кичкинтойларга Мудофаа вазирлигининг эсдалик совғалари тантанали суратда топширилди.

– Болалар тарбиясида, уларни спортга қизиқтиришда бундай мусобақаларнинг ўрни беқиёс, – дейди мактабгача тарбия муассасаси ходими Шаҳноза Дадабоева. – Чунки, қизиқарли ўйинлар уюшқоқликка, ўз билими ва кучига ишонишга, тенгдошлари билан мулоқотга киришувчан бўлишга чорлайди.

Суҳбатдошимизнинг фикрига қўшимча қилиб айтадиган бўлсак, ушбу мусобақалар ҳар бир иштирокчига олам-олам қувонч бағишлаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Тўғрисини айтганда, болалар спартакиадасини кузатар эканман беихтиёр сирли олам – болалар дунёсига саёҳат қилгандек бўлдим. Ўйлашимча, томошабинлар ҳам шундай фикрда. Шундай экан, барчага хушнуд кайфият бахш этган спартакиада иштирокчилари бўлмиш жажжи ўғил-қизларга, тадбир ташкилотчиларига чин дилдан миннатдорчилик билдирсак арзийди.





**Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.**
**Тимур КАРИМОВ суратга олган.**

# ВОЕННОЙ МУЗЫКИ СЫНЫ!

**Романтика воинской службы всегда притягательна. Но именно в подростковом возрасте она особенно сильно влечет к себе сердца мальчишек. В наше время подросток в военной форме – это прежде всего лицеист профильного учебного заведения с военным уклоном или музыкантский воспитанник. В Караульных войсках МВД около двадцати таких юношей, любовь к армии разделивших с любовью к музыке.**

Несмотря на возраст, требования к ним предъявляются такие же, как и ко всем остальным военнослужащим. В свободное от учебы в школе время они изучают положения Общевоинских уставов Вооруженных Сил, правила ношения военной формы, отрабатывают строевые приемы. Начальники военных оркестров и их заместители по воспитательной работе стремятся подготовить из этих одаренных мальчишек не просто музыкантов-профессионалов (хотя это и немаловажно), но и воспитать дисциплинированных, активных, всесторонне развитых и ответственных граждан, настоящих патриотов независимого Узбекистана.

В Образцово-показательном оркестре Караульных войск МВД под руководством заслуженного работника культуры Узбекистана полковника Григора Терзяна служат воспитанники Дмитрий Сергеев и Бабур Ахроров.

– О них можно сказать, что это уже профессиональные музыканты, – говорит заместитель начальника оркестра капитан Улугбек Мамасолиев. – Ведь они исполняют у нас ответственные партии кларнета-2 и баритона-1 и в полном объеме владеют служебно-строевым и концертным репертуаром оркестра. Это трудолюбивые, добросовестные и ответственные ребята.

Оба они «служат» в оркестре более трех лет, а по достижении 18-летия вполне обоснованно рассчитывают стать солдатами срочной службы, по окончании которой могут остаться в оркестре как военнослужащие по контракту. Подобных примеров в оркестре уже немало. Именно из воспитанников прошли путь в военные профессионалы старшина оркестра сержант Вадим Гафаров, младшие сержанты Борис Шегай (флейта), Константин Баталов (кларнет), братья рядовые Андрей и Александр Коркины и многие другие.

В оркестре всегда царит деловая, творческая атмосфера. Благодаря усилиям концертмейстеров сержантов Руслана Кашаева, Джумабая Уринбаева и Бахтиера Исабекова, ведущего солиста Джахонгира Тукулова воспитанники упорно оттачивают свое мастерство, добиваясь виртуозного исполнения бессмертных творений таких корифеев музыки, как Чайковский, Кальман, Бизе.

Помимо успехов в службе и игре на музыкальных инструментах, от воспитанников обязательно требуется высокая успеваемость в школе. Дмитрий учится на втором курсе музыкального колледжа, а Бабур ходит в обычную школу. Такое сочетание учебы, службы и совместной деятельности в оркестре сплачивает ребят, учит их жить интересами родного коллектива.

– Я горжусь тем, что являюсь воспитанником этого поистине образцового коллектива, – говорит Бабур Ахроров. – Для нас созданы отличные условия, мы постоянно ощущаем доброе и чуткое отношение старших товарищей. А поощрения командиров, среди которых есть и от командующего войсками, вдохновляют на дальнейшие успехи. Хочется искренне поблагодарить взрослых за заботу о нас и заверить, что мы оправдаем доверие.

Глядя на лица этих ребят, которые сознательно предпочли беспечным детским забавам службу в оркестре и служение Отчизне, невольно проникаешься чувством гордости за будущее нашей страны. Эти мальчишки учатся с юношеских лет беречь честь воина, а значит, они всю жизнь останутся верны независимой Родине.

**Николай ЧУРСИНОВ, ветеран войск.**

# НЕЗАБЫВАЕМАЯ ВСТРЕЧА

В Центральном музее Вооруженных Сил Республики Узбекистан состоялась встреча поколений, посвященная Международному дню защиты детей. В ней приняли участие представители старшего поколения, участники Второй мировой войны и нынешнее активно действующее молодое поколение – воины Ташкентского военного округа, прибывшие на срочную службу месяц назад, и учащиеся средней школы № 171 Мирзо-Улугбекского района.

– Смотря на ныне здравствующих участников и ветеранов Второй мировой войны, совершивших невозможное во имя мира на земле, во имя созидательной жизни нынешнего поколения, чувствуешь и свою причастность к их мужеству и героизму, – говорит рядовой Бахтиер Файзуллаев от имени своих сослуживцев рядовых Гуломжона Узакова, Ширката Авезова, Санжара Рузматова. – Теперь мы с оружием в руках обязаны защищать независимость и процветание нашей Родины. Приложим максимум усилий, чтобы освоить воинскую специальность и на высоком профессиональном уровне выполнять все учебно-боевые задачи.

Свою уверенность в том, что созидательный труд народа и его покой находятся в надежных руках защитников Родины, выразили участники Второй мировой войны генерал-лейтенант в отставке Собир Ахунжанов, полковник в отставке Ахмад Азизов, Холида Зарипова, Лидия Махмудова, Абдулла Ибодов.

Участники мероприятия ознакомились с музейными экспозициями. Также для них артисты Центрального ансамбля песни и танца Вооруженных Сил под руководством майора Шухрата Дадажанова и детского танцевального ансамбля «Улыбка» под руководством заслуженных артистов Людмилы и Александра Хвориковых выступили с большой концертной программой.

Всем детям – участникам мероприятия со стороны благотворительного Фонда «Мехрижон-спорт» и частного предприятия «УртаОсиеирмонтаж Курилиш Сервис» были вручены ценные подарки и призы на память.

**Майор Хайритдин ЗАЙНИЛОВ.**

# ЁШЛАР ФОРУМИ

Бугунги кунда Ўзбекистон ёшларининг мамлакат тараққиётидаги ўрни, вазифаси, мажбуриятлари қандай? 25-26 май кунлари Тошкентдаги "Пойтахт" меҳмонхонасида бўлиб ўтган, «Ўзбекистон ёшлари: мақсад, вазифа ва масъулият» деб номланган форум айни шу масалани кун тартибига қўйди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, нодавлат, нотижорат ташкилотлари Миллий Ассоциацияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, ЎзЛиДеПнинг «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда барча вилоятларнинг етакчи ёшлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, қатор вазирликлар, БМТ ривожланиш дастури, ЮНИСЕФ, Аҳолишунослик фонди – UNFPA каби халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Форумда ўз тақдимоти ва маърузаси билан қатнашган нодавлат ва нотижорат ташкилотлар ҳамда ижтимоий уюшмалар етакчилари ўз ташкилотлари, амалга ошираётган лойиҳалари ҳақида батафсил тўхталиб иштирокчиларни қизиқтирган саволларига жавоб бердилар. Мутахассислар маърузалари билан бошланган форум ёшларнинг қизғин баҳс-мунозаралари билан давом этди. Иштирокчилар айниқса нодавлат, нотижорат ташкилотлари, улар фаолиятидаги муаммоли жиҳатлар ечими билан қизиқдилар. Бу эса уларнинг ёшлар фаолиятини янада ривожлантириш, етишиб келаётган авлоднинг фуқаролик жамияти асосини шакллантириш масалаларини ҳал этиш, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсийислоҳотлар жараёнидаги ўрни масаласига бефарқ эмасликларини кўрсатади. Эслатиб ўтамиз, бундан аввал ташкил этилган ёшлар форуми шу йилнинг март ойида юртимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган. Мазкур форумлар фуқаролик жамияти институтлари ва ёшлар ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган эди.

**Шаҳобиддин МУСАЕВ.**

# СПЕЦПРИЗ – ПОЕЗДКА В МОСКВУ

Сегодня школьники и студенты изучают английский, немецкий, китайский, французский, арабский и другие языки народов мира. Исторически сложилось так, что особое место среди многих занимает язык Тургенева и Толстого, Чехова и Цветаевой – русский. Являясь родным для более чем миллиона сограждан, он также выполняет функции языка межнационального общения. Ежегодно проводятся республиканские и международные олимпиады, определяющие уровень знаний учащейся молодежи по русскому языку и литературе. Так, недавно завершилась олимпиада среди студентов высших учебных заведений страны. В ней приняли участие представители шестнадцати вузов, и, что интересно, в их числе были исключительно дамы!

В программу олимпиады было включено пять конкурсов, за каждый из которых выставлялось максимум сто баллов.

Жюри, состоявшее из педагогов русского языка и литературы столичных и областных вузов, суммировало баллы каждой из участниц. Итоговые результаты были объявлены в торжественной обстановке в академическом лицее при Узбекском государственном университете мировых языков (УзГУМЯ). В результате первое место и 21-дюймовый телевизор достались студентке УзГУМЯ Екатерине Обуховой, набравшей 486 баллов. С большим отрывом вслед за ней шла представительница Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека Ирина Кононова. В качестве приза ей был вручен DVD-плейер. Замкнула тройку студентка Андижанского педагогического института иностранных языков Алина Фатихова, получившая 279 баллов и приз – аудиомагнитофон.

